

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАРЗУЛЛОЕВА НАРГИЗА САЙФУЛЛОЕВНА**

**БАЧАДОН МИОМАСИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН  
АЁЛЛАРДА ТАҚҚОСИЙ ИММУНОКОРРЕКЦИЯНИ  
ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология  
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФАДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Нарзуллоева Наргиза Сайфуллоевна**

Бачадон миомаси билан хасталанган аёлларда  
таққосий иммунокоррекцияни патогенетик асослаш..... 3

**Нарзуллоева Наргиза Сайфуллоевна**

Патогенетическое обоснование дифференцированной  
иммунокоррекции у женщин с миомой матки..... 25

**Narzullaeva Nargiza Sayfulloeva**

Pathogenetic substantiation of differentiated  
immunocorrection in women with uterine myom..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАРЗУЛЛОЕВА НАРГИЗА САЙФУЛЛОЕВНА**

**БАЧАДОН МИОМАСИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН  
АЁЛЛАРДА ТАҚҚОСИЙ ИММУНОКОРРЕКЦИЯНИ  
ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология  
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФАДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Tib800 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.immunology.uz](http://www.immunology.uz)) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Абдурахманов Мамур Мустафаевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Ихтиярова Гульчехра Акмаловна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Зиядуллаев Шухрат Худайбердиевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Аюпова Фарида Мирзаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти**

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.30.08.2018.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: [immunologiya@qir.ru](mailto:immunologiya@qir.ru)).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2020йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2020йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.У. Арипова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**З.С. Камалов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А. Исмаилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда аёллар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш замонавий соғлиқни сақлашнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...бачадон миомаси билан 25 ёшдан катта аёлларнинг 30% идан ортиғи азият чекмоқда, сўнги йилларда касаллик ёшариб бормоқда ва замонавий гинекологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда»<sup>1</sup>. Турли маълумотларига кўра, «...бачадон миомаси бепуштлиқ, ҳайз кўриш функциясининг йўқолиши, аниқ гормонал касалликлар, қон томир ва психоэмоционал касалликларга олиб келиши кузатилмоқда»<sup>2</sup>. Репродуктив ёшдаги аёлларда бачадон миомаси ҳолатининг кўп учраши, ўз вақтида уни эрта ташхислаш, профилактика қилиш ва даволашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқишни тақазо этмоқда.

Жаҳон миқёсида репродуктив ёшдаги аёлларда юзага келадиган касалликлар, жумладан бачадон миомаси ривожланиш ҳавфи, уни эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада бачадон миомаси ривожланишининг ҳавф омилларини аниқлаш; аёлларда бачадон миомаси ривожланиш ҳавфига ирсий мойиллиги мавжудлигини аниқлаш; касалликни ташхислашда иммунологик маркёрларни аниқлаш; қонда айрим биокимёвий ва гормонал кўрсаткичлар ҳолатини баҳолаш; касалликни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш, бачадон миомаси ривожланишига қарши даволаш-профилактик тадбирларни белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Республикамиз соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, репродуктив ёшдаги аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш, хомиладорлик даврида келиб чиқадиган турли асоратларни олдини олиш, айниқса бачадон миомаси бўлган аёлларни комплекс даволашда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «... аҳолига сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш»<sup>3</sup> вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, репродуктив ёшдаги аёлларда бачадон миомасини эрта ташхислаш ва даволашни юқори замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> World Health Organization website, 2017., <http://www.who.inthehealthinfostatistics>

<sup>2</sup> Радзинский В.Е. и др., 2012; Сидорова И.С., 2013; Вихляева Е.М., 2014; Тихомиров А.Л. и др., 2016

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармокология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Бачадон миомаси кенг тарқалган гинекологик касалликлардан биридир. Бугунги кунда бачадон миомаси билан касалланган беморларнинг 70%и радикал жарроҳлик муолажаларига дуч келмоқда (Доброхотова Ю.Э., 2017). Бу бепуштлиқ, ҳайз кўриш функцияси йўқолиши, аниқ гормонал касалликлар, қон томир ва психоэмоционал касалликларга олиб келади (Волкова Л.Ю., 2016). Ушбу яхши сифатли ўсманинг пайдо бўлиши ривожланиши ва ўсиши механизмлари охиригача аниқланмаган ва мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Ҳозирги вақтда иммунитет бузилишларининг миома патогенезидаги ўрни муҳокама қилинмоқда (Адамян Л.В., 2017). Миоманинг ўсишида иммун ҳимоянинг заифлашуви яллиғланиш цитокинлари даражасининг ортиши фонида пролиферация ва апоптоз жараёнларини тартибга солувчи, жинсий стероидлар таъсириэканлиги исботланган (Муратова Н.Д., 2017).

Миоманинг ривожланишида кўплаб омилларнинг иштироки мунозара бўлиб қолмоқда. Бачадон миомаси онкопролиферацияси ривожлантириш учун эътироф этилган хавф омилдир (Исанбаева Л.М., 2018). Миоматоз тугунларнинг турли хил вариантларида цитокинларининг концентрацияни аниқлаш миома патогенези изоляциясини, патогенетик профилактика ва даволаш усуллари ишлаб чиқишга имкон беради.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш амалиёти учун бачадон миомаси ривожланиш хавфи бўлган репродуктив ёшдаги аёлларда сифатли, рационал, патогенетик асосланган ташҳислаш, кузатиш ва профилактика қилиш тактикасини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш долзарб ва амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.002 «Бухоро худуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташҳислаш,

даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2017-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бачадон миомаси билан хасталанган аёлларда таққосий иммунокоррекцияни патогенетик асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Бухоро вилояти бўйида бачадон миомасининг кўп тарқалган шакллари клиник кечиши хусусиятларини тавсифлаш;

бачадон миомаси бўлган беморларда фаоллаштирувчи маркёрли лимфоцитлар (CD25+, CD71+, CD95+) сони ҳамда ялиғланишга хос (IL-6, IL-8, IL-18, TNF- $\alpha$ ) ва ялиғланишга қарши (IL-10) цитокинлар миқдорини аниқлаш;

бачадон миомаси бўлган беморларни клиник шаклларига хос комплекс даволашда иммунокоррекцияловчи терапиянинг самарадорлигини аниқлаш;

бачадон миомали аёлларда асосланган дифференцирланган иммунокоррекция учун ўсма клиник шаклларининг иммунологик мезонларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида репродуктив ёшдаги бачадон миомаси ташҳиси билан Бухоро вилояти перинатал маркази ҳамда шаҳар туғруқ комплекси назоратида бўлган 115 нафар бемор ва 30 нафар соғлом аёллар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида аёллар вена қони ва зардоби умумклиник, иммунологик ва биокимёвий тадқиқотлар учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, инструментал, биокимёвий, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор меноррагия ва бепуштлик билан кечган симптомли бачадон миомали аёлларда ўрта фазали фаоллаштирувчи маркёрли лимфоцитлар (CD71+) сонининг камайишига тескари пропорционал равишда эрта фазали фаоллаштирувчи маркёрли лимфоцитлар (CD25+) ва лактоферрин миқдорининг кескин ортиши аниқланган;

илк бор симптомсиз кичик хажмли бачадон миомали аёлларда фаоллаштирувчи CD71+ маркёрли лимфоцитлар сонининг ортишига боғлиқ CD95+ маркёрли хужайралар ва лактоферрин миқдорини кескин камайиши исботланган;

бепуштлик ва катта хажмли ўсма билан кечган симптомсиз бачадон миомали аёлларда прогестерон миқдорининг кескин ортишига пропорционал равишда IL-6 миқдорининг ортиши ҳамда ўсма хажми катталашувига мос равишда TNF- $\alpha$  миқдорининг ортиши аниқланган;

меноррагия билан кечган бачадон миомали аёлларда ўзаро пропорционал равишда кортизол ҳамда ялиғланишга хос IL-18 цитокин миқдорининг ортиши қондаги гемоглобин кўрсаткичининг камайишига боғлиқлиги исботланган;

жуда катта хажмдаги ўсма билан кечган бачадон миомали аёлларда юқори эстрадиол миқдори фонида ялиғланишга хос TNF- $\alpha$  ва IL-18

цитокинлар миқдорлари ортиши билан кечувчи фаоллашган иммун яллиғланиш жараёни аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

улипристал ацетат ва иммуномодулятор Т-лайф препаратлари 3 см дан кичик ўлчамли симптомли бачадон миомасини комплекс даволашда самарадорлиги асосланган;

иммуномодулятор Ликопид препарати билан гормонал препаратларни биргаликда қўллаш симптомсиз кичик ўлчамли бачадон миомаси даволашда самарадор эканлиги аниқланган;

репродуктив ёшдаги аёлларда симптомсиз бачадон миомасининг хавф омилларини аниқлаш бўйича цитокин синтезини таҳлил қилиш ёрдамида прогноз стратегияси ишлаб чиқилган, бу ўз вақтида даволаш ва профилактика чораларини кўриш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бачадон миомаси билан хасталанган аёлларда таққосий иммунокоррекцияни патогенетик асослаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Бачадон миомаси билан хасталанган аёлларда фаоллаштирувчи маркёрли лимфоцитлар (CD25+, CD71+, CD95+) сони ҳамда яллиғланишга хос (IL-6, IL-8, IL-18, TNF- $\alpha$ ), яллиғланишга қарши (IL-10) цитокинлар миқдорининг ўзгариши, гормонлар (прогестерон, эстрадиол, кортизол) миқдорининг ортиши ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бачадон миомаси билан хасталанган аёлларни даволашда улипристал ацетат ва иммуномодулятор Т-лайф препаратлари 3 см дан кичик ўлчамли симптомли бачадон миомасини комплекс даволашда самарадорлиги асосланганлиги, иммуномодулятор Ликопид препарати билан гормонал препаратлардан кейин қўллаш симптомсиз кичик ўлчамли бачадон миомаси даволашда самарадор эканлиги аниқланганлиги, репродуктив ёшдаги аёлларда бачадон миомаси турли шакллари ривожланиши истикболини белгилаш, олдини олиш ва даволаш стратегияси ишлаб чиқилганлиги, асоратларини камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш ва беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бачадон миомаси билан хасталанган аёлларда таққосий иммунокоррекцияни патогенетик асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Бачадон миомаси ривожланишида иммунологик кўрсаткичларнинг диагностик аҳамияти» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 05 июлдаги 8н-д/169-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бачадон миомаси билан хасталанган аёлларда иммунитетнинг цитокинлари бўғинидаги бузилишларни эрта аниқлаш, ўз вақтида даволашнинг оптимал усулларини танлашга ва касалликнинг олдини олишга хизмат қилган;

«Бачадон миомаси билан аёлларда иммунокоррегирловчи даволашнинг самарадорлиги» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 05 июлдаги 8н-д/169-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бачадон миомаси билан хасталанган аёлларни даволашда улипристал ацетат, иммуномодулятор Т-лайф ва ликопид репаратларини қўллаш орқали касаллик ривожланиши ва келиб чиқадиган асоратларини олдини олишга хизмат қилган;

бачадон миомаси билан хасталанган аёлларда патогенетик асосланган иммунокоррекцияли комплекс даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси, Бухоро вилояти перинатал маркази, Пешкў ва Жондор тумани тиббиёт бирлашмалари амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 8н-з/257-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар тиббий ёрдам сифатини оширган, ташҳислаш ва даволашнинг янги услубларни қўллаш орқали унинг самарадорлигини ошириш, асоратларини камайтириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, жарроҳлик аралашувлар миқдорини камайтириш ва аёлларда репродуктив функциясини сақлаб қолишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 129 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва замон талабига жавоб бериши асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек тадқиқотнинг объекти ва предмети шакллантирилган, илмий тадқиқот ЎЗР

фан ва технологияларининг илғор йўналишларига мувофиқлаштирилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалий тиббиётга жорий қилиш бўйича нашр этилган илмий мақолалар ва диссертация тузилиши маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Аёлларда бачадон миомаси муаммосининг замонавий тақдимоти (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида замонавий адабиётлар таҳлили, шу жумладан, назарий жиҳатлари таҳлил қилинди ва бачадон миомаси муаммолари, ташҳиси ва даволашнинг иммунологик жиҳатлари, мавжуд ташҳиси ва олдини олиш усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинди, шунингдек, ҳал қилинмаган ёки тушунтиришни талаб қиладиган муаммолар аниқланган.

Диссертациянинг «**Бачадон миомаси бўлган аёлларда тадқиқот материали ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва тадқиқот услари тавсифланган. 2015 йилдан 2019 йилгача бўлган вақтда маслаҳат поликлиникаси, вилоят перинатал маркази ва шаҳар туғруқ комплекси гинекология бўлимига 250 нафар аёлларга бачадон миомаси ташҳиси қўйилган. Уларнинг бачадон миомасининг турли клиник кўринишлари кузатилган 115 нафари тадқиқотларга жалб қилинган. Ташҳис клиник, инструментал, лаборатор текширувлари асосида аниқланган.

Барча аёлларда жинсий гормонлар миқдори стандарт тўпламлардан фойдаланган ҳолда радиоиммунологик усул ёрдамида аниқланган. Цитокинлар концентрацияси (IL-10, IL-8, IL-18, IL-6 ва TNF- $\alpha$ ) иммунофермент таҳлил усули билан аниқланган. Санкт-Петербург Ўта Соф Биопрепаратлар Илмий-Тадқиқот Институти «Цитокин» МЧЖ реактивлари ишлатилган. Фаоллашиш маркёрлари бор лимфоцитлар (CD25, CD71 ва CD95) миқдорини аниқлаш LT сериясига (МЧЖ «Сорбент», Москва) мансуб моноклонал антителоларни қўллаган ҳолда Гариб Ф.Ю. ва ҳаммуал. (1995) усули ёрдамида ўтказилган. Тадқиқотлар ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институтида (директор – академик Арипова Т.У.) ўтказилган. Иммунологик тадқиқотлар уч марта: даволашгача, гормонотерапиядан сўнг ва иммунокоррекциядан кейин амалга оширилган.

Текширилган пациентларни даволаш сифатида куйидагилар қўлланилган: улипристал ацетат 3 ой давомида 5 мгр дан ҳар куни, 2 ойлик танаффусдан сўнг яна 3 ой 5 мгр дан ҳар куни. Вирусга қарши препарат (ацикловир, циклоферон) йўриқнома бўйича. Зарурат бўлганда гемоглобин миқдорини ошириш учун препаратлар қўллаш. Иммунокоррекцияловчи препаратлар гормонотерапиядан сўнг иммун тизими кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда: Т-лайф - 10 мг дан мушак ичига, 5 кун давомида ва яна 5 та инъекция кун ора, Ликопид - 10 мл дан сублингвал 10 кун давомида.

Тадқиқот натижалари Лакин Г.Ф. (1990) бўйича вариацион статистика усули билан ишланган. MS Excel 4,0 дастурий воситаларидан фойдаланган ҳолда компьютерда материаллар ва график тасвирларни статистик ишлаш

амалга оширилган. Маълумотлар ишончилиги ишончлилик мезонлари (t) ёрдамида баҳоланган.

Диссертациянинг «**Бачадон миомаси бўлган аёлларнинг соматик ва репродуктив анамнезини таҳлил қилиш**» деб номланган учинчи бобида назоратда бўлган аёлларни клиник ва инструментал текшириш натижалари баён қилинган. Тадқиқотда қўйилган муаммоларни ҳал қилиш учун текширилган барча беморлар 2 гуруҳга бўлинган: 57 нафар симптомли ва 58 нафар симптомсиз бачадон миомаси билан хасталанган аёллар. 30 нафар амалий жиҳатдан соғлом аёллар назорат гуруҳини ташкил этган.

Меноррагия билан кечган симптомли бачадон миомаси бўлган аёлларда менструал циклнинг шаклланиши 14-15 ёшда ва 3 нафар аёлда 16 ёшда бўлган. Чаноқ соҳасида оғриқ симптоми бўлган аёллар анамнези таҳлили менструал циклнинг шаклланиши 12-13 ёшда бўлганлигини кўрсатган. Бепушт бўлган аёлларнинг асосий қисмида 15-16 ёшда менструал цикл кечикканлиги аниқланган. Кўпчилик симптомсиз бачадон миомаси бўлган аёллар гуруҳида менструал цикл шаклланиши 12-14 ёшда бўлганлиги кузатилган. Менструал циклнинг ўртача давомийлиги  $28,5 \pm 0,2$  кун, менструал циклнинг давомийлиги  $4,5 \pm 0,1$  кун бўлган.

Текширилганларнинг асосий қисмини 20 ёшдан 45 ёшгача бўлган аёллар ташкил қилган. Бу нафақат соғлом ва ижтимоий аҳамиятга эга, балки жинсий фаол репродуктив ёшдир. Симptomли бачадон миомаси билан касалланган ва тадқиқотларга жалб қилинган аёллар гуруҳига киритилганларнинг 14 нафари интеллектуал фаол аёллар, 12 нафари жисмоний фаол аёллар, 15 нафари аёллар қишлоқ хўжалик ишлари билан бандлар, 16 нафари эса уй бекалари бўлган. Симptomсиз бачадон миомаси бўлган беморларнинг аксарияти жисмоний фаолият билан шуғулланган ( $n=17$ ), зиёли аёллар ва қишлоқ хўжалиги ишлари билан банд бўлганлар 12 нафарданни ташкил этган, 15 нафар беморлар уй бекалари бўлган ҳолда, 3,4%и ( $n=2$ ) талабалар бўлган. Улар касби бўйича таҳлил қилинганда иш билан бандлик имкониятлари, шароитлари, иш билан бандлик омиллари пайдо бўлиши ва ривожланишига мумкин бўлган таъсир ҳисобга олинган. Бачадон миомасининг турли клиник шакллари тадқиқотларга жалб қилинганларнинг касби билан боғлиқ бўлмаган.

Яшаш жойининг таҳлили шуни кўрсатдики, симптомли бачадон миомаси қишлоқ аҳолиси орасида тез-тез учраган, симптомсиз бачадон миомаси эса кўпроқ шаҳар аҳолиси орасида кузатилган.

Бачадон миомасининг турли клиник кечишига эга бўлган аёлларда ҳайз функциясининг шаклланиш даври хусусиятлари таҳлили ўтказилган. Меноррагия билан симптомли бачадон миомаси бўлган аёлларда ҳайз циклининг шаклланиши 14-15 ёшда, 3 нафар аёлда эса 16 ёшда бўлган. Оғриқ симптоми бўлган аёллар анамнезининг кўрсатишича, уларнинг кўпчилиги 12-13 ёшларда ҳайз цикли бошланган. Бепуштликл билан оғриган аёлларнинг кўпчилигида ҳайз циклининг шаклланиши бирмунча кеч - 15-16 ёшларда бўлган. Беморларнинг аксарияти 30 ёшдан олдин турмуш қургани

аниқланган. 30 ёшдан сўнг назорат гуруҳида 6 нафар аёл турмушга чиққан. Кичик чанокда оғриқ ва бепуштлик бўлган гуруҳда 30,0% ва 31,5% аёллар 30 ёшдан кейин турмуш қуришган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, меноррагия шаклида клиник намоён бўлган симптомли бачадон миомаси бўлган аёллар орасида 72.2%, оғриқ симптоми бўлган аёлларда 60.5%, бепуштлик аниқланган аёллар орасида бачадон миомаси субмукоз шакли 52.6% ҳолларда кузатилган. Симptomсиз бачадон миомали аёллар гуруҳида субмукоз шакл кичик ўлчамли бачадон миомаси бўлган беморларнинг 52.6%ида, катта ўлчамли бачадон миомаси бўлган аёллар орасида 47.4% ҳолатда кузатилган, бепушт бўлганларнинг 47.4%ида тугуннинг интрамурал шакли аниқланган.

Бачадон миомаси билан текширилган беморларда соматик касалликлар нисбатан юқори даражаси қайд этилган. Соматик касалликларнинг асосий қисмини турли даражадаги камқонлик ташкил этган. Қалқонсимон без билан боғлиқ эндокрин касалликлар (n=51, 44,3%) кам учраган. Юрак қон томир тизими касалликлари 20,8%, нафас олиш тизими касалликлари 15,6%, ошқозон-ичак тракти функционал касалликлари 26,08%, айириш аъзолари касалликлари 23,4% аёлларда аниқланган. Турли аллергик касалликлар ҳам кенг тарқалган (31,3%). Кам жисмоний фаолият ва тез-тез стресс билан бирга ортикча вазн аёлларда бачадон миомаси (n=24, 20,8%) пайдо бўлишига ҳисса қўшадиган омилларга ишора қилган. Бачадон миомасининг турли клиник кўринишларига эга бўлган аёллар орасида (n=33, 28,7%) неврозлар ва неврозга ўхшаш ҳолатлар ҳам кам учраган.

Ҳозирги вақтда турли вирусларга антителолар пайдо бўлиш частотаси ортиб бормоқда. Кўпчилик аёллар анамнездан маълум бўлишича, 115 нафар (64.3%) текширилганларда оддий герпес вируси, ЦМВ ва бошқалар аниқланган. Маълумотларга кўра, герпес вируси оқибатида ўткир ёки қайталанувчи инфекция бачадон миомаси тез ўсишини келтириб чиқарувчи омиллардан бири бўлиши мумкин. Бундан ташқари, бачадон миомаси хавфини баҳолашда унинг ривожланиши генетик мойиллиги истисно қилинмайди, бу анамнезга кўра, 19 нафар сўровда иштирок этган аёлларда (16.5%) қайд этилган. Шуни таъкидлаш керакки, тадқиқот экстрагенитал патологиянинг ўткир кўринишисиз, яъни ремиссияда касалликлар аниқланган беморларни ўз ичига олган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бачадон миомаси мавжудлигидан ташқари, текширилган беморларда гинекологик касалланиш юқори бўлган. Бачадон миомаси бўлган ҳар бир беморда ўртача иккита ёндош гинекологик касаллик кузатилган. Сурункали эндометрит беморлар касаллик тарихида энг кўп учраган. Меноррагия билан оғриган аёлларда 22,2% ҳолларда ва бепуштликнинг ҳар иккинчи ҳолатида (52,6%) содир бўлган. Симptomсиз бачадон миомаси, миоманинг кичик ўлчамли бўлган аёлларнинг 50,0%ида ва бачадон миомаси катта ўлчамли билан аёллар 75,0%ида аниқланган. Тухумдон кисталари катта ўлчамли бачадон миомаси бўлган 14 аёлларда ва кичик ўлчамли бачадон миомали 19 нафар аёлларда кузатилган. Эндометриоз бепуштлик билан 40% дан ортик

аёлларда ва катта ўлчамли бачадон миомасида 50% аёлларда симптомсиз кечган. Аднексит, эндоцервицит ва кольпит каби кичик чанок аъзоларининг яллиғланиш касалликлари текширган аёллар орасида симптомли ва симптомсиз бачадон миомаси кенг тарқалган. Бачадон миомаси бўлган беморларнинг репродуктив функцияси ҳомиладорликнинг нисбатан юқори учраш даражаси билан ажралиб турган, уларнинг аксарияти абортлар билан тугаган. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш кўплаб абортлар чанокда сурункали яллиғланиш жараёнларининг ривожланишига олиб келиши мумкин деган хулосага келишга имкон берган яъни миометрийнинг яхлитлигини бузадиган омил сифатида тавсифланган.

Гормон даражасини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, меноррагия ( $P<0,05$ ) ва оғриқда ( $P<0,05$ ) менструал циклнинг 5-6 кунларида ФСГ сезиларли даражада ошган, бепушт бўлган аёлларда эса назорат гуруҳига нибатан ( $P<0,05$ ) камайган. Менструал циклнинг 14-кунида ЛГ даражаси бепушт аёлларда ишонарли даражада ошган ( $P<0,05$ ). Бепушт аёлларда пролактин ( $P<0,001$ ), прогестерон ( $P<0,05$ ) ва эстрадиол ( $P<0,01$ ) концентрацияси ишонарли ошган. Симптомли бачадон миомаси бўлган аёлларнинг меноррагия турида кортизол даражаси кўпайган ( $P<0,05$ ). Симптомсиз бачадон миомаси бўлган аёлларда бачадон миомаси ўлчами катта бўлганда ФСГ даражаси назорат гуруҳига қараганда ( $P<0,05$ ) сезиларли даражада ошган ва ЛГ даражаси ( $P<0,05$ ) камайган. Симптомсиз бачадон миомаси билан эстрадиол даражаси миома турига боғлиқ бўлмаган.

Диссертациянинг «**Бачадон миомаси турли клиник белгиларида иммунологик омиллар хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида иммунологик таҳлиллар 2 қисмдан тузилган. Биринчи қисмда «Симптомли бачадон миомали аёллар иммунологик таснифи» яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар, ўткир фаза оқсилли лактоферрин миқдори, фаоллашиш маркёрлари лимфоцитлар даражасини ўрганиш учун ўтказилган тадқиқотлар натижалари кўрсатилган.

Клиник белгилари турли кўринишларда бачадон миомаси билан аёлларга хос периферик қон лимфоцитлари фаоллашиш хусусиятларини аниқлаш учун, меноррагия, чанок соҳасидаги оғриқ ва бепуштлик билан шикоят қилган аёлларда фаоллашиш маркёрлари қатори қиёсий таҳлили ўтказилган. Текширилганда CD25+-хужайраси эрта босқичли фаоллашиш маркёрлари, CD71+-молекуласи ўрта босқичли фаоллашиш маркёрлари экспресс хусусиятини баҳолаган. Бундан ташқари CD95+-молекуласи экспресс даражасини аниқлаш хужайраларнинг апоптозга тайёрлигини баҳолаган (1-жадвал). Олинган натижалар, клиник кўринишлардан қатъий назар, бачадон миомаси бўлган аёлларнинг периферик қонда CD25+-молекуласи ( $P<0,05$ ) юзасида ифодаланган лимфоцитлар миқдори сезиларли даражада ошганлигини кўрсатган.

Уларнинг юзасида CD71+-молекулаларини ифодаловчи фаоллашган лимфоцитлар даражаси бир биридан фарқ қилди. Шундай қилиб, бепуштлик

ва қон кетишида унинг даражаси назорат қийматларидан ( $P < 0,01$ ) анча паст бўлган. Чаноқ соҳаси оғриётган аёлларда эса бу кўрсаткич назоратдаги шу кўрсаткичга нисбатан сезиларли даражада ошган ( $P < 0,05$ )

1-жадвал


Симптомсиз бачадон миомали аёлларда периферик лимфоцитлар фаоллашиш маркёрлари фенотиби хусусиятлари ( $M \pm m$ )

| Текширилган гуруҳлар  | CD25+, %         | CD71+, %         | CD95+, %         |
|-----------------------|------------------|------------------|------------------|
| Назорат гуруҳи, n= 30 | $21,6 \pm 0,9$   | $18,7 \pm 0,8$   | $24,5 \pm 1,0$   |
| Меноррагия, n=18      | $25,5 \pm 1,1^*$ | $12,4 \pm 0,6^*$ | $18,3 \pm 0,9^*$ |
| Оғриқ синдроми, n=20  | $26,9 \pm 1,0^*$ | $22,8 \pm 0,9^*$ | $18,6 \pm 0,7^*$ |
| Бепушлик, n= 19       | $32,4 \pm 1,1^*$ | $12,1 \pm 0,7^*$ | $20,2 \pm 0,8^*$ |

Изоҳ: \* - назорат гуруҳига нисбатан қийматлар ишончилиги ( $P < 0,05 - 0,001$ )

Клиник намоён бўлишига қараб бачадон момаси билан аёллар хусусиятини назорат гуруҳи ( $P < 0,05$ ) маълумотлари билан солиштирганда CD95+-лимфоцитлар миқдори камайганлиги аниқланган.

Олинган натижаларга асосланиб, лимфоцитлар фаоллашиш индексини эрта фаоллашув лимфоцитлар сонининг нисбатидан олиб ташланган. CD25+ ва фаоллашишнинг ўртача босқичлари (CD71+) 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Лимфоцитлар фаоллик нисбати CD25/CD71-лимфоцитлар фаоллик индекси (ЛФИ), бирлик

Кўриниб турибдики, лимфоцитлар фаоллик индекси (ЛФИ) бепушт аёлларда 2,67 бирликка кўпайган. Клиник кўринишларга эга симптомли бачадон миомаси бўлган беморларнинг 3 нафарида кўп қон кетиш, 4 нафарида чаноқ соҳаси оғриғи бўлган аёлларда иккиламчи бепуштлик кузатилганлиги, аёлларда 2,5 бирликдан юқори эканлигини кўрсатган. Шунинг учун ЛФИ бепуштликнинг истиқболни белгиловчи мезони сифатида ишлатилиши мумкин.

Миомаси бўлган аёлларнинг периферик қон зардобида лактоферрин (ЛФ) концентрацияси ўрганилган. ЛФ даражаси  $2480 \pm 25,7$  нг/мл ёки  $1125 \pm 21,6$  нг/мл ( $P < 0,001$ ) кўп миқдорда қон кетган аёлларда кескин ошган. Чаноқ соҳасида оғриқ бўлган аёлларда ЛФ даражаси 1,55 марта ошган ва ўртача  $1750 \pm 18,3$  нг/мл ( $P < 0,01$ ) бўлган. Бепушт бўлган аёлларда ЛФ миқдори

назорат гуруҳига ва чаноқ соҳасида оғриқ бўлган аёлларга қараганда юқори, аммо менорагия бўлган аёлларига нисбатан паст -  $1967 \pm 18,5$  нг/мл ( $P < 0,01$ ).

Таҳлилларда яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинларни ўрганиш турли касалликларни ташхислаш ва мониторинг қилишда фойдали маълумотлар беради. Бу бачадон миомаси бўлган аёлларда иммун тизими ҳолатини баҳолашда яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар концентрациясини аниқлаш имконини берган. Бачадон миомаси бўлган барча аёлларда IL-6 даражаси ошган ( $P < 0,01$ ) (2-жадвал).

2-жадвал

Текширилган аёлларда яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар миқдори ( $M \pm m$ )

| Цитокинлар, пг/мл | Назорат гуруҳи | Меноррагия        | Оғриқ             | Бепуштлиқ        |
|-------------------|----------------|-------------------|-------------------|------------------|
| IL-6              | $20,8 \pm 1,3$ | $69,3 \pm 5,1^*$  | $57,8 \pm 4,9^*$  | $72,4 \pm 6,7^*$ |
| IL-8              | $28,7 \pm 1,4$ | $80,6 \pm 7,2^*$  | $76,8 \pm 5,3^*$  | $64,5 \pm 5,4^*$ |
| IL-18             | $68,6 \pm 4,7$ | $134,7 \pm 7,1^*$ | $115,6 \pm 6,8^*$ | $94,3 \pm 5,7^*$ |
| IL-10             | $14,9 \pm 1,2$ | $24,8 \pm 1,4^*$  | $20,3 \pm 1,2^*$  | $22,4 \pm 1,3^*$ |
| TNF- $\alpha$     | $34,1 \pm 1,8$ | $73,4 \pm 5,4^*$  | $81,5 \pm 6,3^*$  | $89,6 \pm 6,4^*$ |

Изоҳ: \* - назорат гуруҳига нисбатан қийматлар ишончилиги ( $P < 0,05 - 0,001$ ).

Ўсма жараёнида қон зардобидида IL-8 миқдори ошганлиги кузатилган. Меноррагия симптоми бўлган аёлларда унинг даражаси назорат қийматларидан 2,8 марта ( $P < 0,01$ ) юқори бўлган. Ушбу даражадан бироз пастроқ кўрсаткич ( $P < 0,01$ ) чаноқ соҳасида оғриқ бўлган аёлларда кузатилган. Бепушт бўлган аёлларда IL-8 даражаси ўртача 3,5 марта назорат гуруҳи кўрсаткичлардан ( $P < 0,001$ ) ташкил қилган.

IL-18  $\gamma$ -интерферон-индуцирланган омил, яллиғланиш цитокинлари, макрофаглар ва тананинг бошқа хужайралари томондан синтезланади. У талоқ ичидаги табиий киллер хужайраларнинг фаоллигини оширади. Тадқиқотларда ушбу цитокиннинг максимал қиймати қон кетиши кўп бўлган аёлларда қайд этилган бўлиб, бу назорат гуруҳининг қийматларидан 2 марта юқори ( $P < 0,01$ ) бўлган. Чаноқ соҳасида оғриқ бўлган аёлларда IL-18 даражаси 1,7 марта назорат қийматидан кўп, 1- ва 2-гуруҳдаги беморларга нисбатан бепушт бўлган аёлларда IL-18 паст, аммо назорат қийматларидан анча юқори ( $P < 0,05$ ) бўлган.

IL-10 - бу яллиғланишга қарши цитокин. Ўсмалари бўлган беморлар қонида IL-10 концентрациясининг ортиши шиш пайдо бўлиши ва ўсишига хос бўлган салбий белгидир. Бачадон миомаси бўлган аёллар қон зардобидаги цитокин IL-10 даражаси меноррагия клиник шакли бўлган аёлларда максимал қиймат билан сезиларли даражада ошган ( $P < 0,05$ ). Кўп қон кетган аёлларга қараганда бироз кам, аммо чаноқ соҳасида оғриқ бўлган аёлларда ( $P < 0,05$ ) нибатан сезиларли даражада юқори. Бепушт бўлган аёлларда IL-10 яллиғланишга қарши цитокин даражаси ҳам назорат қийматига нисбатан сезиларли даражада ошган ( $P < 0,05$ ).

Ўсма некрози омили (TNF- $\alpha$ ) яллиғланиш цитокинидир. Бачадон миомаси бўлган барча аёлларда унинг даражаси сезиларли даражада юқори. Кўп қон кетиши симптомида унинг ўртача қиймати юқори ( $73,4 \pm 5,4$  пг/мл,  $P < 0,01$ ) бўлган. Чаноқ соҳасидаги оғриқда TNF- $\alpha$  миқдори 2,4 марта назорат гуруҳининг қийматларидан юқори бўлган ( $P < 0,01$ ). Бепуштликда TNF- $\alpha$  даражаси 2,63 марта назорат гуруҳи қийматларидан юқори бўлган ( $P < 0,001$ ).

Шундай қилиб, турли клиник белгилари бўлган бачадон миомасида иммун номутаносиблик ўсиш борлиги аниқланган: фаол лимфоцитлар таркиби ўзгариши фонида яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар, лактоферрин концентрацияси ошиши бачадон миомаси патогенезида мумкин бўлган боғланишлар сифатида қаралган.

Диссертация тўртинчи бобининг иккинчи қисмида симптомсиз бачадон миомаси бўлган аёлларда миома тугуни ривожланиш жараёнларини тартибга солишда иммун бузилишларнинг натижалари келтирилган. Периферик қонда фаоллашиш маркёри белгиси ва цитокин даражаси билан лимфоцитлар популяцияси таркибининг қиёсий таҳлили ўтказилган. 2-гуруҳни ташкил қилган 58 нафар аёллар икки гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ - 38 нафар кичик ўлчамли бачадон миомаси ва 2-гуруҳ - 20 нафар катта ўлчамли бачадон миомаси бор аёллар.

3-жадвалда турли ўсиш бочқичларидаги бачадон миомаси билан аёлларнинг периферик қон зардобида фаоллашиш лимфоцитларини тавсифловчи маълумотларни беради. Бачадон миомаси бўлган беморлардан олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, кичик ўлчамдаги бачадон миомасида назорат гуруҳининг параметрларидан сезиларли даражада ошган, фаоллашиш дастлабки босқичларида бўлган ҳужайралар таркиби, бу CD25+ ( $P < 0,05$ ) молекуласи фаоллашиш маркёрли лимфоцит юзасида ифодаланган.

Ташқи кўринишига кўра, тизимли циркуляцияда чала ва етилган лимфоцит ҳужайраларни фарқлаш жараёнини бузилиши, ўз навбатида иммун назоратни пасайишига ва ўсма тез ўсиши ва ривожланишига олиб келади. Иммун тизим ҳужайраларининг функционал ҳолати ҳақида муҳим маълумотлар уларнинг апоптоз хусусиятларини ўрганади.

3-жадвал

Симptomсиз бачадон миомасида фаоллашиш маркёрли лимфоцитлар миқдори ( $M \pm m$ )


| Кўрсаткичлар       | Назорат гуруҳи, n=30 | Симptomсиз бачадон миомали аёллар |                   |
|--------------------|----------------------|-----------------------------------|-------------------|
|                    |                      | 1- гуруҳ, n=38                    | 2- гуруҳ, n=20    |
| CD25+, %           | $21,6 \pm 0,9$       | $25,8 \pm 1,0^*$                  | $29,7 \pm 1,2^*$  |
| CD71+, %           | $18,7 \pm 0,8$       | $34,6 \pm 1,2^*$                  | $12,4 \pm 0,6^*$  |
| CD95+, %           | $24,5 \pm 1,0$       | $22,3 \pm 0,9$                    | $18,6 \pm 0,9^*$  |
| Лактоферрин, нг/мл | $1125 \pm 21,6$      | $857 \pm 12,3^*$                  | $2780 \pm 22,1^*$ |

Изоҳ: \* - назорат гуруҳига нисбатан қийматлар ишончилиги ( $P < 0,05 - 0,001$ )



3-жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, CD95+-лимфоцитлар даражаси бачадон миомаси бўлган аёлларда камайди, ammo ишончли пасайиш фақат тез ўсувчи бачадон миомаси бор аёллар гуруҳида кузатилган.

Турли хил ўсмаси бўлган аёлларга ЛФ даражасини ўрганиш 2-расмда келтирилган.



2-расм. Текширилган аёлларда лаптоферрин миқдори, нг/мл

2-гуруҳдаги аёллар назорат гуруҳи аёллари маълумотларига кўра ( $P < 0,01$ ) 2 марта ва 1-гуруҳ аёлларига нисбатан ( $P < 0,001$ ) 3 марта ошган (4-жадвал). Зардобдаги цитокинлар даражасини ўрганиш симптомсиз бачадон миомаси кичик ўлчамли тури бўлган аёлларда стабил IL-6 мавжудлигини кўрсатди, бироқ назорат гуруҳи кўрсаткичларидан сезиларли фарқи йўқ.

Тез ўсадиган бачадон миомаси бўлган аёлларда IL-6 даражаси сезиларли даражада ошган ( $P < 0,001$ ). 2-гуруҳдаги аёлларда IL-8 миқдори 3 марта ошган ( $P < 0,001$ ). Шунинг таъкидлаш керакки, IL-8 миқдорининг ошиши билан лаптоферрин даражасининг ошиши кузатилган, бу ушбу цитокин синтезини индукциялашда унинг ўрнини тасдиқлайди. Тадқиқот натижаларида фақат катта ўлчамли бачадон миомасида зардобда IL-6 ва IL-8 концентрациялари ошиши кузатилган ва Ефремова А.В. (2005) ва Ciavattini А. (2013) назариялари бу жараённи тасдиқлаган ва кичик ҳажмли бачадон миомасида цитокин ўзгариши ҳақида маълумотлар йўқлигини кўрсатган.

4-жадвал

Симптомсиз бачадон миомаси бўлган аёлларда цитокинлар миқдори, ( $M \pm m$ )

| Цитокинлар,<br>пг/мл | Назорат<br>гуруҳи, n=30 | Симптомсиз бачадон миомаси |               |
|----------------------|-------------------------|----------------------------|---------------|
|                      |                         | 1-гуруҳ, n=38              | 2-гуруҳ, n=20 |
| IL-6                 | 20,8 ± 1,3              | 23,7 ± 1,1                 | 78,5 ± 4,2*   |
| IL-8                 | 28,7 ± 1,4              | 35,4 ± 1,5*                | 85,8 ± 5,6*   |
| IL-18                | 68,6 ± 4,7              | 70,3 ± 3,9                 | 104,5 ± 4,9*  |
| IL-10                | 14,9 ± 1,2              | 18,7 ± 1,4*                | 28,2 ± 1,5*   |
| TNFα                 | 34,1 ± 1,8              | 79,3 ± 3,8*                | 127,8 ± 5,7*  |

Изоҳ: \* - назорат гуруҳига нисбатан қийматлар ишончилиги ( $P < 0,05 - 0,001$ )

Оддий миома шакли бўлган аёлларда IL-18 даражаси назорат гуруҳидаги аёлларга ( $P < 0,05$ ) нисбатан юқори, тез ўсаётган бачадон миомали аёлларда

эса  $104,5 \pm 4,9$  пг/мл ни ташкил этган ( $P < 0,05$ ). Тез ўсувчи бачадон миомаси бўлган аёлларда IL-10 даражаси ( $P < 0,05$ ) сезиларли даражада ошган, 2-гуруҳдаги аёлларда ( $P < 0,01$ ) бу кўрсаткич соғлом аёллар гуруҳидан 2 марта юқори бўлган.

TNF- $\alpha$  даражаси кичик ўлчамли бачадон миомали аёлларда назорат гуруҳида аёллар маълумотларига ( $P < 0,01$ ) нисбатан 2 марта ошган. TNF- $\alpha$  даражаси катта ўлчамли бачадон миомали аёлларда назорат гуруҳидаги аёлларга ( $P < 0,001$ ) нисбатан 3,7 марта кўп ва 1-гуруҳ аёлларига ( $P < 0,05$ ) нисбатан 1,6 марта юқори бўлган.

Кузатишлар асосида TNF- $\alpha$  этиопатогенезда ва бачадон миомасининг клиник кўринишида муҳим цитокин эканлигини кўрсатган. Ушбу патологиянинг ривожланиши, шунингдек унинг аломатлари амалга ошириш бачадон миомасига қарши курашда потенциал мақсадлар бўлган гормонлар ва цитокинлар билан ўзаро боғлиқлик орқали амалга оширилади.

Бачадон миомаси бўлганда аёллар иммун тизими ҳолатида ўзгаришлар кузатилган, бу эса иккинчи даражали иммун танқислиги ҳисобланган.

Шундай қилиб, бачадон миомаси турли патогенетик механизмлар орқали амалга ошириладиган аёлларнинг репродуктив тизими полиэтиологик касаллиги бўлиб, унинг олдини олиш ва даволаш учун патологияни ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқишда комплекс инновацион ёндашувни ишлаб чиқиш зарур.

Диссертациянинг «**Бачадон миомаси кузатилган аёлларни иммунокоррегик даволашга қиёсий ёндошув**» деб номланган бешинчи боби бачадон миомали аёлларнинг клиник ва иммунологик параметрлари динамикасига бағишланган.

Симптомли бачадон миомаси бўлган 57 аёл комплекс терапия қабул қилиб, улипристал ацетат гормонал препаратини -3 ойлик суткалик 5 мг, 2 ойлик танаффус ва яна 3 ойлик суткалик 5 мг схема бўйича ўз ичига олган. Кўрсатмаларга кўра, гемоглобинни ошириш учун препарат киритилган (кўрсатмаларга мувофиқ схема бўйича ферлатум). Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, Улипристал ацетат препарати кейинги терапия курсларида қон кетмаслигини сақлайди. Ҳар бир курс якунида 90% дан ортиқ беморларда қон кетишининг тўхташи кузатилди.

Улипристал ацетат препарати туфайли ҳайз қон йўқотиш (ХҚЙГ) қийматини график баҳолаш кўрсаткичлари ҳайз қонашининг аста-секин пасайишини кўрсатди. Тадқиқот натижаларига кўра улипристал ацетат олган аёлларнинг 89% да бачадон қон кетиши тўхтаган. Қўшимча темир олиш билан улипристал ацетат олган кўпчилик беморларда камқонлик тuzатилди. Текширув давомида барча беморларда гемоглобин  $\leq 110,2$  г / л ни ташкил етди. Аста-секин, бачадон миомаси белгилари билан боғлиқ ҳаёт сифатини яхшилаш бор еди. Миомаси ҳажми аста-секин кичрайиши бор еди, кичрайган ҳажми даволаш сўнг давом етмоқда. Улипристал ацетат таъсирида текширилатган аёллар оғриқни анча камайтирди.

Шундай қилиб, гормон даволаш сўнг, клиник параметрларни ижобий динамикаси бор еди, лекин иммун тизими ҳолати бўйича тадқиқотлар гормон даволаш ўзгартирилган иммун тизими параметрларини тиклашга самара бермади, деб кўрсатди. Шунинг учун текширилган аёлларни 2 гуруҳга ажратдик: 1-гуруҳ 27 бемордан иборат еди, фақат гормон терапияси сўнг. 2-гуруҳ 28 бемордан иборат бўлиб, гормон терапиясидан сўнг кун иммунокорректив препарати Т-лайф 10 мг 5 кун кун ора ҳар куни мускул орасига 5 та инъексия қабул қилган. Клиник ва иммунологик параметрларни ўрганиш иммунотерапия тугаганидан кейин 2 ҳафта ўтди. Иммунологик тадқиқотлар натижалари жадвалда келтирилган.5-жадвал.

5-жадвал


Симптомли бачадон миомаси бўлган аёлларда даволаш натижасида фаоллаштирувчи лимфоцитлар динамикаси

